



№29 (882)

2025 йил 8 апрель,
сешанба

O'ZBEKISTON

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta

BUNYODKORI

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА



“

2025 йилнинг
5-9 апрель кунлари
Парламентлараро
Иттифокнинг энг
йирик халқаро тадбири –
150-юбилей
Ассамблеяси Марказий
Осиё давлатлари
тарихида ilk
бора юртимизда
ўтказилмоқда.

Дунёнинг **140** га яқин
мамлакатнинг
105 парламенти
етақчилари ва **2000** дан
зиёд паламент вакиллари
ҳамда **50 та** халқаро
ташкilotдан **110 нафар**
делегация аъзолари
ушбу халқаро анжуман
доирасидаги тадбирларда
иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Шавкат Мирзиёев
Ассамблея доирасида
бир қатор давлатлар ва
халқаро ташкilotлар
делегацияларини қабул
қилди.

ШАҲАРСОЗЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Бехзод АҲМАДКУЛОВ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасининг мажлислар залида вилоят архитектура-шаҳарсозлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг гуллаб-яшнаши ва аҳоли турмуш тарзини яхшилаш мақсадида ташаббускор инвестор лойиҳа ва пудрат ташкilotлари томонидан ишлаб чиқилган янги лойиҳалар муҳокама қилинди.

Шаҳарсозлик лойиҳалари бу фақат бинолар қуриш эмас, балки аҳолининг ҳаёт сифати ва турмуш тарзига бўлган таъсири билан ҳам ажралиб туради. Лойиҳалар, бир томондан, шаҳарнинг инфратузилмасини яхшилашга, турмуш шароитини замонавийлаштиришга қаратилган бўлса, иккинчи томондан, экологик ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга ҳам ёрдам беради. Бу лойиҳаларда замонавий қурилиш стандартлари, қўлайликлар ва инновациялар ишлатилиши мақсад қилинган.

Йиғилишда Сирдарё вилоятидаги шаҳарсозлик лойиҳалари билан таништириш ва уларнинг келажаги бўйича мулоҳазалар билдирилди. Масалан, “Аҳмадбек Қурилиш Трио” МЧЖ томонидан

Ўлистон шаҳрининг Намуна маҳалласидаги ўзгаришларни кўзда тутадиган 9 қаватли турар жой биносининг лойиҳаси тақдим этилди. Бу лойиҳа эски биноларни реновация қилиш орқали янги замонавий яшаш шартларини таъминлайди.

Шунингдек, “Азиза Среда Мах” МЧЖ томонидан Тараққиёт маҳалласида кўп қаватли турар жой бинолари қурилиши кўзда тутилган. Бу лойиҳа маҳалладаги аҳоли учун замонавий ва қўлай уй-жой шароитларини яратишга қаратилган.

“Барака Текс” МЧЖ томонидан тақлиф қилинган лойиҳада эса савдо ва кўнглиочар комплекслари, амфитеатр, спорт ва болалар майдончалари, мактабгача таълим муассасалари ҳамда



кўп қаватли турар жой бинолари қурилиши кўзда тутилган. Бу лойиҳа аҳолига кенг имкониятлар ва юқори сифатли хизматлар тақдим қилишни мақсад қилган.

Лойиҳа ташкilotлари томонидан тақдим этилган янги лойиҳалар жуда қизиқарли ва самарали бўлди. Архитекторлар ва шаҳарсозлик соҳасидаги мутахассислар лойиҳаларнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатларини кўриб чиқишди, шунингдек, лойиҳаларнинг экологик ва ижти-

моий таъсирини ҳам муҳокама қилишди. Кенгаш аъзолари лойиҳаларни амалга оширишда барча ташкилий ва ижтимоий омилларни ҳисобга олиш муҳимлигини таъкидладилар.

Бир сўз билан айтганда, вилоятнинг келажадаги ривож учун аҳамиятли бўлган ушбу лойиҳалар, албатта, шаҳар муҳити ва одамларнинг ҳаёт сифатига ижобий таъсир кўрсатиши кутилмоқда. Уларнинг аниқ ва сифатли амалга оширилиши, вилоятнинг ривожига катта ҳисса қўшади.

ФАҲРИЙЛАР КЕНГАШИ навбатдаги йиғилишини ўтказди



Козим ТУЛЯГАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Архитектура ва қурилиш соҳаси
Фахрийлар кенгаши раиси.

Тасдиқланган иш режасига асосан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида Архитектура ва қурилиш соҳаси Фахрийлар кенгашининг 2024 йилда амалга оширилган ишлар бўйича ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

Айтиш керакки, ўтган йил давомида Фахрийлар кенгаши томонидан бажарилган ишлар бўйича Васийлик кенгашига ҳисоботлар тақдим этилди ҳамда ҳисобот ва билдирилган тақлифлардан келиб чиқиб, Кенгашга бир қанча вази-

фалар ҳамда топшириқлар берилди ва таъсисчилар томонидан тасдиқланди.

2025 йил биринчи чоракда Фахрийлар кенгаши томонидан кенгашнинг 2025 йил учун иш режаси ишлаб чиқилди ва Васийлик кенгашининг умумий йиғилиш баёни билан тасдиқланди.

Кенгаш томонидан 2024 йилда ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини юритиб, белгиланган тартибда Адлия вазирлигига, Давлат солиқ ва Давлат статистика идораларига ҳисоботлар тақдим этилди.

“Нодавлат нотижорат ташкilotлари тўғрисида”ги Қонунга асосан кенгаш устави 2025 йил 8 январда янги таҳрирда Адлия вазирлигидан қайта давлат рўйхатидан ўтказилди. Бунда, Фахрийлар кенгашининг асосий мақсади, вазифалари функциялари ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланди, мол-мулки ва пул маблағлари ҳамда уларни шакллантириш манбаларига аниқлик киритилиб, кенгаш фаолияти-

га оид ички идоравий ҳужжатлар билан тасдиқланиши белгиланди.

1050 дан зиёд архитектура ва қурилиш соҳаларида фаолият юритаётган ташкilotлар рўйхати шакллантирилди, 610 га яқин ташкilotларга мурожаат этилиб, Кенгаш уставига асосан 475 та номзодлар томонидан мурожаатлар келиб тушди. 160 та ташкilotлардан фахрийлар мавжуд эмаслиги ҳамда соҳага оид фаолият тури тўғри келмагани билдирилди.

Бундан ташқари, Кенгашнинг 2025 йил 10 январдаги 1/ч-сон буйруғига асосан Архитектура ва қурилиш соҳасида Фахрийларни таркибга қабул қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш тартиби ишлаб чиқилиб тасдиқланди.

Мазкур тартибга асосан, 2025 йил 1-чорагида ишчи комиссиясига 51 та ташкilot томонидан 396 та фахрий номзодлар тўғрисида ҳужжатлар тўплами киритилиб, тасдиқланган тартибга асосан комиссия томонидан 341 та

ҳужжатлар тўплами қабул қилинди ва 55 таси рад этилди.

“Устоз шоғирд” анъаналари остида фахрийлар иштирокида республика бўйича соҳага оид жами 15 та олий таълим муассасалари билан “2025 йил биринчи яримйиллик учун кўмаклашиш” режа-график тасдиқланиб, жами 66 маротаба фахрийлар ҳамда талабалар ўртасида “Устоз-шоғирд” эркин мулоқот давра сўхбатлари ўтказилиши режалаштирилди. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорак якуни билан жами 37 та тадбир ўтказилди.

Соғломлаштириш тадбирларини ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Касаба уюмлари Федерацияси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигига мурожаат қилиниб, жами 152 та (91 та дам олиши учун ва 61 та даволаниш учун) фахрийларни дам олиш масканлари ва санаторияларда даволанишлари учун юборилди.

Берилган тақлифларга асосан аҳоли пунктларининг архитектура-режалаштириш, шаҳарсозлик ва архитектура соҳасини ривожлантириш бўйича Васийлик кенгаши ҳисобланган Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига жорий йилда 8 маротаба тақлиф ва тавсиялар жамланмаси киритилди.

Устав талабидан келиб чиқиб фахрийларнинг ижтимоий ва моддий ҳолатини яхшилаш, уларга маиший, тиббий, маданий ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатиш ва амалга оширишда кўмаклашиш ҳамда ижтимоий суғурта ва соғлиқни сақлаш, фахрийларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида 2025 йил учун чора-тадбирлар режаси Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланди.

مركز الحضارة الإسلامية في أوزبكستان.. صرح ثقافي يعزز التراث والمعرفة

06 أبريل 2025. الساعة 22:29 بتوقيت مسقط



ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ – мерос ва билим тарғиб этувчи маскан

Мухаррам ПИРМАТОВА, ЎзА.

Ўмоннинг “Ар-Рўъя” нашри журналист Иброҳим Ал-Ҳодийнинг “Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази: мерос ва билимларни тарғиб қилувчи маданий ёдгорлик” сарлавҳали мақоласини чоп этди.

– Тошкентдаги Ислom Цивилизацияси маркази Ўзбекистоннинг маданий мулоқотни ривожлантиришга содиқлигини тасдиқлаган ҳолда, ислom меросини асраб-авайлаб, бу борадаги мавжуд анъаналарни тарғиб этадиган глобал марказга айланишни мақсад қилган, – деб ёзади муаллиф. – 2018 йил Рамазон хайити куни иншоот пойдеворига тамайл тоши қўйилган.

Ҳазрати Имом тарихий мажмуаси ҳудудда жойлашган марказнинг маҳобати ҳар қандай кишини ўзига ром қилади...

Анъанавий ўзбек меъморчилиги ва замонавий технологияни мужасам этган марказ уч қаватли кенг бинодан иборат, баланд гумбазли ислom дизайни улугворлигини акс эттиради.

Марказнинг мақсади мусулмон олимлари меҳнатини ҳужжатлаштириш, UNESCO ва ISESCO каби халқаро ташкilotлар билан ҳамкорликда бағрикенгликка асосланган кадриятларни тарғиб қилишдир.

Марказ асрлар давомида ислom цивилизацияси ривожини ўрганувчи бир неча асосий бўлимини ўз ичига олган. Иккинчи қаватда ноёб экспонатларга бой кенг музей, каттагина мажлислар зали, учинчи қаватда минглаб қўлёзмалар, улкан кутубхона бор.

Илмий муассасалар билан ҳамкорликда, бутун дунё тадқиқотчилари иштирокида кўплаб лойиҳалар амалга оширилаётган ушбу марказ илмий ва маданий алмашинув майдонига айланиши кутилмоқда.

Болалар шифохонаси мукаммал таъмирдан чиқарилди

Президентимизнинг тегишли қарорига асосан, Марғилон шаҳар болалар шифохонасида 11 млрд 900 млн сўмдан зиёд маблағ эвазига таъмирлаш ишлари бажарилди.

Мазкур тиббиёт муассасаси 1980 йилда фаолият бошлаган бўлиб, 3 қаватдан иборат биноларда жойлашган. Шифохонанинг барча бўлимлари бинолари мукаммал таъмирдан чиқарилиб, қўшимча равишда 2 қаватдан иборат янги жаррохлик бўлими ҳамда маъмурий бино барпо этилди. Аҳолига сифат-

ли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Болалар шифохонасини фойдаланишга топшириш маросимида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси масъуллари, тиббиёт ходимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.



Кўрик-танлов

Тадбиркорлик туфайли қаддини ростлаётган соҳа

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Газетамизнинг аввалги сонида хабар берганимиздек, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан илк бор “Энг яхши бошқарув органи” танловининг республика босқичига старт берилганди. Икки кунга мўлжалланган тадбирнинг биринчи кўни 16 та бошқарув компанияларидан ташриф буюрган иштирокчилар кўрик-танлов талабига кўра, уч босқич орқали кўп қаватли турар жойларни тартибга келтириш бўйича қандай ҳаракатлар қилишяётганини назарий билимларда асослаб беришди.

Танловнинг хал қилувчи иккинчи кўни “Ар-тел” заводидаги очиқ майдонда бошланди. Тад-бирини қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирѳ ўринбосари Озода Жўраева кириш сўзи билан очиб, қурилиш ва уй-жой коммунал хў-жалиги вазирининг тадбир иштирокчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди. Табрик-да жумладан, давлатимиз раҳбарининг эъти-бори натижасида йиллар давомида муолажага муҳтож бўлиб келган соҳа тажрибали кишилар ихтиёрига берилгач, кўп қаватли турар жойлар-даги аҳвол тубдан ўзгармоқда ва у ерда умгр-заронлик қилаётган фуқароларнинг келажакка бўлган ишонч-эътиқоди янада ортиб, дунёқара-ши кескин ўзгариб бораётгани эътироф этилди.

Шунингдек, вазир ўз табригида охиргѳ йиллар ичида нафақат кўп қаватли уй-жой-ларни қуриш орқали муҳтож кишиларни ҳар томонлама замона талабларига жавоб бера-диган турар жойлар билан таъминлаш ҳамда мавжудларини таъмирлаш ва реконструкция қилиб, ён-атрофини ободонлаштириш, одам-ларга қулай шароитлар яратиб бериш каби муҳим ишларни босқичма-босқич амалга оши-ришга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинаёт-гани айтилди. Ана шундай долзарб ишларни тез ва сифатли қилиб бажаришда янгидан таш-кил топган бошқарув сервис компаниялари ва уларда меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг алоҳида хиссаси борлиги таъкидланиб, соҳа уларнинг саъй-ҳаракати билан янада ривожла-ниши ва порлоқ бўлишига ишонч билдирилди.

Шундан сўнг иштирокчилар амалий тан-ловга киришишди. Унда компания ишчи-хо-димларининг ишбошидаги тайёргарлиги қан-дай ташкил қилинса, талабга жавоб бериши ҳаракатлар орқали кўрсатилди. Навбатдаги ва энг муҳим ишларни тезкорликда урдалаш бе-восита диспетчерчик хизмати билан боғлиқ экани амалда кўрсатилди. Хусусан, кўп қаватли уйнинг ертўласи ёки хонадонда содир бўлган кўнгилсиз ҳоҳиша тўғрисида хабарни қабул қил-иб олган навбатчи манзилни ёзиб олгандан сўнг қисқа вақт ичида тегишли мутахассисга етказиб бериши орқали ҳодиса беш дақиқа ўт-масдан бартараф этилди.

Иккинчи йўналишда уйлардаги ертўла-лар ва хонадонларда чилангарлик ишлари қай тарзда бажарилаётгани, материалларнинг мос келиши ҳамда уларнинг сифати, қанча вақт оралиғида мутахассис бу ишни бажарганига эътибор қаратилди. Бу жараёнда чилангарнинг

ўз ишига бўлган муносабати ва унинг малакаси ҳам таҳлилдан ўтказилди.

Сўнгги синов бошқарув компанияларидаги ўта масъулиятли вазифага дахлдор бўлиб, шу иш билан кечяо-кундуз шугўлланувчи, электр ускуналари ва эскирган кабелларни янггисига алмаштириш, йўлақларнинг шитлари бир меъ-ёрда ишлашини таъминлаб, фуқароларга ёруғ-лик улашяётган мутахассис тажрибаси кўриб чиқилди. Иш жараёни пайти қутилмаганда фавқулдда вазият содир бўлиб қолса, мутахас-сис қайси иш қуролларидан фойдаланади ёки уларни қандай қўлласа, қутилган натижага эри-шиш мумкинлиги асбоб-ускуналарда кўрсатиб берилди.

Тадбир қай даражада ташкил этилгани ва унинг мазмун-моҳияти хусусида иштирокчи-лардан бири, “Муборак улкан иншоот” бошқа-рув сервис компанияси раҳбари Ихтиёрбек Фармонов шундай деди:

– Компаниямизга тегишли 126 та кўп қават-ли уйларнинг асосий қисми кўп йиллар аввал қурилган ва уларнинг аксарияти таъмирталаб эди. 2021 йилда иш бошлаганимиздан сўнг, дастлаб бир қанча қийинчиликларни босиб ўтишига тўғри келди. Жамоа чин дилдан ишга киришгани ва тажрибали мутахассислар жам-лангани туфайли тўрт йилда тасарруфимизда-ги уйларни тўлиқ таъмирланишига эришилди. Илк бор ўтказилган тадбирда вилоят босқичи-дан республика босқичига чиқиб, ишгирок эт-ганимиздан хурсандимиз.

Кўрик-танлов талабларини бажариш ба-робарида бошқа вилоятлардан келган ҳам-касблар тажрибасини ҳам ўрганишга ҳаракат қилиб, дўстлар ортгирдик. Ўрганганаримизни иш жараёнида қўлласак, фаолиятимиз бутун-гидан-да яхшиланиши, коммунал хизматлар кўрсатиш даражаси бир неча ҳиссасга ортиши-ни дилдан хис этияпмиз. Танловда ким биринчи ўринга муносиб кўрилиши эмас, балки муҳи-ми, бу каби тадбирлар тез-тез ўтказиб турилса, яқин йиллар оралиғида кўп қаватли уйларга хизматлар кўрсатиш бўйича муаммо қолмасли-гига қафолат бўлади.

Бир сўз билан айтганда, кўрик-танлов ҳар томонлама уюшқоқликда ўтди. Иштирокчи-лар бир-бирлари билан тажрибалар алмашиш-га имкониятлар яралди. Таъкидлаш жоизки, ёғлиблар Коммунал хўжалиги соҳаси кўни ни-шонланадиган 18 апрелда эълон қилинади ва уларга таъсис этилган совғалар тақдим этилади.

ИСЛОҲОТЛАР ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАДИ

Нигора НОЗИМЖОНОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Давлатимиз раҳбарининг “Уй-жой ҳамда бино-иншоотларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 11 мартдаги қарорида мамлакатимизда иссиқлик энергияси билан барқарор таъминлаш, энергия самарадорлиқни оширишнинг келгуси 5 йилдаги асосий йўналишлари белгилаб берилди. Унда марказлашган иссиқлик тизимларида эскирган 103 та қозонхона ва 1,6 минг километр иссиқлик тармоғини янггилаш чоралари ҳам кўзда тутилган.



Мазкур қарор билан соҳада ягона давлат сиёсатини юритиш, илғор хорижий тажрибалар асоси-да стратегик тақлифларни ишлаб чиқиш, иссиқлик таъминоти кор-хоналари фаолиятини бошқарувчи ва мувофиқлаштирувчи ташкилот ташкил этиш, марказлашган ис-сиқлик таъминотига уланмаган 4 ва ундан юқори қаватли кўп квар-тирали уй-жойлар иситиш тизи-мида локал қозонхоналар қуриш ва бошқа муқобил технологиялар жорий этиш ҳисобига ҳар бир хо-надоннинг газга бўлган талабини камида 20 фоизга камайтириш каби муҳим вазибалар мақсад қи-лган.

– Беш йилда амалга оширила-диган ишлардан бири 103 та қозон-

моқларда қозонхоналарда камай-тириш белгилаб олинган.

Қарорда белгиланганидек, Чиноз ва Олтиарик туманларида қайта тикланувчи энергия манба-лари қурилмалари, яъни иссиқлик насослари, қуёш панеллари ҳамда ресурс тежамкор ускуналардан са-марали фойдаланган ҳолда ушбу туманларда 4 қаватли уй-жой фон-дини муқобил ва барқарор иссиқ-лик пунктларини ўрнатиш орқали тизимни ёпиқ тизимга ўтказиш орқа-ли энергия ресурсларига бўлган талабни камайтириш. Бу ишларни амалга ошириш орқали марказ-лашган иссиқлик таъминотини 37 фоиздан 58 фоизга етказиш белги-лаб олинди ва йўқотишларни тар-

2030 йилларда уй-жойлар фонди-ни яхшилаш, энергия самарадор-лигини ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

Қарор ижроси доирасида 2025 йилда соҳадаги истиқболли лойи-халар учун халқаро молия инсти-тутларидан 68 млн АҚШ доллари жалб қилиниб, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ри-вожлантириш дастури доирасида 320 млрд сўм ажратилади. Давлат бюджетидан иссиқлик тизими таъ-минотини ёпиқ тизимга ўтказиш чора-тадбирлари учун 50 млрд сўм йўналтгиради.

2026-2030 йилларда эса иссиқ-лик қозонхоналари ва иссиқлик тизимларини замонавий техноло-гиялар асосида модернизация ва реконструкция қилиш лойиҳалари учун халқаро молия институтла-ридан 257 млн АҚШ доллари жалб қилинади. Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ри-вожлантириш дастури доирасида 1,6 трлн сўм ажратилади. Жаҳон банкининг халқаро Тараққиёт жамғармасидан жалб қилинган 143 млн АҚШ доллари миқдорид-аги қарз маблағлари ўзлаштирила-ди. Шу билан бирга халқаро молия институтларидан мақбул шартлар-даги кредитлар, грантлар ва техник ёрдамлар жалб қилинади.

Қарор билан 2 трлн маблағ ҳисо-бига 90 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилади. Бунда 85 та қо-зонхона қурилиши 2300 дан ортиқ пунктларнинг ўрнатилиши ҳамда 650 километрдан ортиқ иссиқлик тармоқларини тортиш белгилан-ган. Шунингдек, давлат хусусий ше-риклик доирасидаги 9 та лойиҳада 600 мегаваттлик қозонхоналар қу-рилиши 2300 дан ортиқ иссиқлик пунктларининг қурилиши, 227 ки-лометр иссиқлик тармоқларини тортилиши белгиланган.

Қарорда белгиланганидек, жо-рий йилдан республикадаги барча давлат мактабгача таълим ташки-лотлари қуёш сув иситиш тизим-лари, яъни геосоллекторлар билан тўлиқ жихозланиди, Бухоро вилоят-ида ижтимоий соҳа ва давлат му-ассасаларида энергия тежамкор ускуналарни ўрнатиш, бино ва ин-шоотларнинг фасад ва том қисмла-рини изоляция қилиш лойиҳалари амалга оширилади.

Келгуси йилларда мазкур таж-риба лойиҳаси асосида ҳар бир ҳудудда 4 тадан ижтимоий соҳа ва давлат муассасалари танлаб оли-ниб, ушбу мақсадли чора-тадбир-лар амалга оширилиши белгилан-ган.

Назорат

Ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш бўйича тушунтириш берилди

Бутун ҳудудларда янгидан янги турар жойлар, кўп қаватли уйлар ҳамда хизмат кўрсатиш нуқталари қад ростлагантики, бундай бунёдкорлик ишлари натижасида шаҳар ва туманлар қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Аммо қурилиш соҳасида ҳам зарур меъёр ва талаблар мавжуд. Афсуски, қурилаётган бино ва иншоотларда бу қоидаларга етарлича эътибор қаратилмаяпти. Шу боис тегишли соҳа вакиллари тадбиркорлик ва қурувчиларга бундай ҳолатларга йўл қўймаслик юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ноқонуний қурилишларнинг олди-ни олиш шаҳарсозлик ҳужжатларига рмия этилишини назорат қилиш мақ-садида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан юрти-миз бўйлаб йиғилишлар ташкил этил-моқда. Термиз шаҳрида ўтказилган навбатдаги йиғилишда Сурхондарё вилояти ҳокимлиги вилоят прокура-тураси, тегишли бошқармалар, кадастр агентлиги, адлия бошқармаси қурилиш бююртмачи ташкилотлари пудрат таш-килотлари ҳамда тадбиркорлик субъ-ектлари вакиллари иштирок этишди. Унда масъуллар томонидан ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш ва бу борада назоратни қучайтириш, идо-ралараро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

– Мазкур учрашув давомида қури-лиш ишларини бошлаб юбориб, аммо тегишли ҳужжатларни расмийлаштир-маган тадбиркорлик субъектларига тегишли кўрсатмалар берилди. – деди Сурхондарё вилояти прокуратураси бў-лим прокурори Умид Ўринов. – Давлат рўйхатидан ўтмасдан туриб қурилиш ишларини амалга оширган тадбир-

корларга қай тартибда ҳужжатларни расмийлаштириш ва тегишли ташки-лотлардан ҳулосаларни олиш бўйича аниқ йўналишлар берилди. Вилоят про-куратураси томонидан ишчи гуруҳи шакллантирилган ҳолда бутунги кунда хатлов ишлари амалга оширилмоқда. Келгусида мазкур қарорда белгиланган муддатларда қурилиш объектларининг ҳужжатлари қонуний расмийлашти-рилиб, давлат рўйхатидан ўтказилиши алоҳида назоратга олинади. Бу борада-ги ишлар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қи-лиш инспекцияси билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-нинг 2025 йил 24 февралдаги тегишли қарорига мувофиқ, қурилиш объект-ларини рўйхатга олиш муддати жорий йилнинг 1 июнига қадар узайтирилгани ҳақида маълумот берилди. Ушбу қарор қабул қилинганидан сўнг ноқонуний объектларнинг атиги 8 таси вилоят Ку-рилиш уй-жой коммунал соҳасидаги ҳудудий назорат қилиш инспекцияси рўйхатидан ўтган.

– Рухсат берувчи шаҳарсозлик ҳуж-



жатлари бўлмасдан, ноқонуний тарзда олиб борилаётган қурилиш-монтаж ишларини давлат томонидан назорат-га олингани ва жорий йилнинг 1 июнь кунига қадар муддат берилгани, шу муддатга қадар шаҳарсозлик ҳужжат-ларини тезликда расмийлаштириш ин-спекциядан давлат рўйхатидан ўтган ҳолда қонуний равишда қурилиш-мон-таж ишларини амалга ошириб, фойда-ланишга топшириш борасида топши-риқлар берилди, – деди Сурхондарё вилояти Қурилиш ва уй-жой комму-нал хўжалиги соҳасида ҳудудий назо-рат қилиш инспекцияси мутахассиси Меҳриддин Янгибоев. – Йиғилишда тадбиркорлик субъектлари муаммолар-ини жойида бартараф этиш бўйича

Ўз мухбиримиз.

Аҳоли хавфсизлиги таъминланмоқда

Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан олиб борилган ўрганишлар натижасида бир қатор ҳолатлар аниқланди.

Қурилиш тугалланмаган бино ҳадемай битказилиб, фойдаланишга ҳам топширилади. Бироқ, айни ҳо-зирги жараёнлар жуда муҳим. Ишлар сифат жиҳатидан белгиланган талаб-лар доирасида бажарилиши шарт. Айниқса, кўп қаватли турар жой би-ноларида аҳоли истиқомат қилишини эътиборга олсак, сифатсиз қилинган иш оқибатида турли кўнгилсизликлар содир бўлиши мумкин. Наманган ви-лояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси олиб борган ўрганишлар натижасида бир нечта бино қурилишида турли кўринишда-ги сифатсиз ишлар, хусусан, айрим биноларнинг ора-ёпма темир-бетон плиталарининг оралиқ чоклари бетон қоршимаси билан тўлдирилмагани натижасида у ер қурилиш чикиндила-ри ва майда тошлар билан тўлиб қол-ганлиги аниқланди. Ана шу сифатсиз ишлар натижасида бинони буздириш ва демонтаж ишларини бажариш бў-йича кўрсатмалар берилди.

– Камчилик аниқланган манзил-лардан бири Наманган вилоятининг Янги Наманган туманидаги Фуқрат номли МФИда 5 қаватли 80 хонадон-ли тўрт қаватли турар жой биноси қурилмоқда, – деди инспектор За-фаржон Аширалиев. – Мониторинг ўтказилганида норматив қоида та-лаблари бажарилмагани аниқланди.

Лойиҳа талаби бўйича бажарилмаган ўрта деворларини бузиш кўрсатмаси берилиб, муаммо бартараф қилинди.

Рақамларга мурожаат қилсак, ўт-ган 2024 йилда Наманган вилояти Ку-рилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш ин-спекцияси мутахассислари томонидан рўйхатдан ўтган объектлар қурилиши устидан давлат қурилиш назорати “Шаффоф қурилиш” электрон тизими орқали жами 15 130 марта мониторинг ишлари ўтказилган. Мониторинглар жараёнида қурилиш-пудрат ташки-лотлари мутасаддиларига йўл қўйил-ган камчиликларни бартараф этишда жами 20 952 та бажарилиши мажбу-рий кўрсатмалар берилиб, 20 401 та ёзма кўрсатмалар бўйича камчили-кларни ўз вақтида бартараф этишга эришилган.

Назорат инспекциялари томони-дан аниқланган ҳолатлар бартараф этилмаса, келгусида бионинг зилзи-лабардошлигига таъсир этади. Уйда эса аҳолининг хавфсизлиги таъмин-ланмаган бўлади.

Ана шундай камчиликларни ўз вақтида бартараф этилмаслиги са-бабли жами 551 та шаҳарсозлик субъектларининг мансабдор шахсла-рига маъмурий баённомалар расмий-лаштирилиб, жавобгарлик белги-ланган.

Ўз мухбиримиз.

ЖИЗЗАХ ШАҲРИДА РЕНОВАЦИЯ:

Маданият ва Тошлоқ
маҳаллалари
замонавий қиёфага
эга бўлади



Дилшод РАШИДОВ, Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой комунал бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари – вилоят бош архитектори.

Жиззах шаҳрининг икки аҳоли масканида кенг қўламдаги реновация лойиҳасининг амалий босқичи бошланди. Маданият ва Тошлоқ маҳаллаларидаги эскирган икки қаватли уйлар ўрнига замонавий кўп қаватли турар жой комплекслари қурилишининг илк қадамлари амалга оширилмоқда.

Жумладан, Маданият маҳалласи ҳудудида 76 та икки қаватли турар жой биноси мавжуд бўлиб, уларда 970 та хонадонда 3 036 нафар аҳоли истиқомат қилади. Жами 25,7 гектар ер майдонида реновация лойиҳаси доирасида хитойлик хусусий тадбиркор “Си Фанг Туо Зи” МЧЖ томонидан қурилиш ишлари уч босқичда амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, ушбу жараён 2025-2027 йилларни ўз ичига олади.

Режалаштирилаётган лойиҳа доирасида (лойиҳа қиймати – 220 миллион АҚШ доллари, шундан инвестиция қиймати – 200 миллион АҚШ доллари) ҳудудда жами 45 та 16 қаватли турар жойлар қурилиб, улардаги хонадонларнинг умумий сони 3 600 тани ташкил этади. Натижада, ушбу турар жойларда жами 16 560 нафар аҳоли яшаши кўзда тутилган.

Ҳудудда, шунингдек, лойиҳа қиймати 18 миллиард сўм бўлган 1 200 ўринли мактаб ва лойиҳа қиймати 6 миллиард сўм бўлган 160 ўринли мактабгача таълим ташкилоти қурилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, бу ерда тадбиркорлар ташаббуси билан 2 та йирик савдо комплекси, 2 та дам олиш ва кўн-

гилочар марказ, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари, кафе-ресторанлар ҳамда умумий овқатланиш шохобчалари, яшил боғ ва сайилгоҳлар ташкил этилиши кўзда тутилган.

Тошлоқ маҳалласида эса 23 та икки қаватли турар жой биноси мавжуд бўлиб, ушбу турар жойларда 358 та хонадонда 1 149 нафар аҳоли яшайди. Лойиҳа натижасида 24,5 гектар ер майдонида қурилиш ишлари “Си Фанг Туо Зи” МЧЖ ҳамда маҳаллий тадбиркор “Азиза Средо Мах” МЧЖ томонидан уч босқичда амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, ушбу жараён 2025-2027 йилларни қамраб олади.

Лойиҳа доирасида ҳудудда жами 2 та 16 қаватли, 35 та 15 қаватли, 15 та 12 турар жойлар барпо этилиши режалаштирилган. Натижада, ушбу лойиҳа доирасида жами 2 625 та хонадон қурилиши мўлжалланган.

Лойиҳа доирасида бу ерда замонавий мактаб, мактабгача таълим ташкилоти, 2 та йирик савдо маркази ва кўнгилочар зоналар, дам олиш мажмуалари ва кенг яшил майдонлар, кафе-ресторанлар ҳамда умумий овқатланиш шохобчалари, автомобиллар учун

замонавий автотураргоҳлар барпо этилади.

Инвестиция ҳажми 220 миллион АҚШ долларида иборат бўлиб, лойиҳани амалга ошириш уч босқичда 2025-2027 йилларга мўлжалланган. Мутахассисларнинг фикрига кўра, лойиҳа нафақат Жиззах шаҳрида, балки бутун вилоятда намунавий лойиҳа сифатида эътироф этилиши мумкин. Лойиҳа доирасида 1 200 дан ортиқ янги иш ўрни яратилиши, шаҳар иқтисодиётининг янада ривожланиши кутилмоқда.

Реновация лойиҳасининг асосий натижаларига асосан, 3 036 нафар аҳоли янги шароитда яшаш имкониятига эга бўлади, шаҳар меъморчилик қиёфаси сезиларли даражада яхшиланади, аҳолининг турмуш сифати амалда ошади, янги иш ўринлари пайдо бўлади, шаҳар инфратузилмаси янада такомиллашади.

Мазкур лойиҳа нафақат уй-жой масаласини ҳал қилиш, балки бутун ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий аҳолини яхшилашга хизмат қилади. Ҳар бири янги бино билан бирга Жиззах аҳолисининг ишончи ва орзулари ҳам янги қаватлар каби баландлашиб боради. Тадбиркорлик соҳасининг ривожланиши, ёшлар учун иш ўринларининг кўпайиши ва замонавий инфратузилманинг яратилиши Жиззахни мамлакатнинг энг қулай шаҳарларидан бирига айлантиришга ёрдам беради.

Реновация – бу нафақат уй-жой масаласини ҳал қилиш, балки янги авлодлар учун қулай ва обод ҳаётнинг пойдеворини яратишдир. Бугунги кунда Маданият ва Тошлоқ маҳаллаларида бошланган ишлар бу – Жиззахнинг келажагига ишонч билан қадам ташлашдир.

Муҳиддин САТИМОВ, Эллиққалъа тумани
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи.

ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР аҳолига хуш ёқмоқда



Бугунги кунда Эллиққалъанинг ҳар томонлама жадал суръатда ривожланаётганини туманининг барча ҳудудларидаги ижобий ўзгаришлардан пайқаш мумкин. Аҳолининг турар жой ва ижтимоий соҳа объектларига талаби юқори эканлигини ҳисобга олган ҳолда мутасадди ташкилотлар томонидан турли йўналишдаги кенг қўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга ошириляпти.

Хусусан, ўтган 2024 йилда тумандаги 33 та объектада қурилиш-таъмирлаш ишлари тўлиқ якунланди. Шунингдек, Инвестиция дастури доирасида 8 та объектада қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгиланган эди. Шундан, “Эллиққалъа” ОФЙдаги 39-сон ва “Дўстлик” ОФЙдаги 41-сон умумтаълим мактабларини реконструкция қилиш ишлари тўлиқ якунига етказилди. Туман тиббиёт бирлашмасининг 90 ўринли туғруқ бўлими биноси янгитдан қурилиб, “Қирққиз-обод” гуруҳли сув олиш иншоотининг реконструкция ишлари ҳам ўз муддатида амалга оширилиб, фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга, “Ақчақул” ОФЙ ҳудудига оби ҳаёт етказиб берувчи ичимлик суви тармоғи ҳамда “Бугрутқалъа” МФЙдаги 16-сонли умумтаълим мактабининг 180 ўринли филиали биносининг реконструкция ишлари ҳам сифатли амалга оширилди. “Оқ-олтин” МФЙдаги 315 ўринли 18-сон умумтаълим мактаби ва “Тулдурсун” ОФЙдаги 180 ўринли 63-сон умумтаълим мактабининг тўлиқ реконструкция қилиниши ўқитувчилар билан бир қаторда ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарини ҳам қувонтирди.

Булардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 сентябрдаги 500-сонли қарори асосида 2024 йилда тумандаги “Дўстлик” ОФЙ, “Тоza-боғ” ОФЙ, “Навбахор” МФЙ, “Ифтихор” МФЙ, “Пахтачи” МФЙ, “Янги Ўзбекистон” МФЙ, “Амиробод” ОФЙ, “Тулдурсун” ОФЙ, “Эллиққалъа” ОФЙдаги 35 километр ички йўлларда таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 32-раёсат баёни бўйича “Ақчақул” бўйида туризм рекреация зонасига олиб берувчи йўлга асфальт ётқизиш, пидеалар йўлакчаси қуриш ва туғни ёриткичлар ўрнатиш ишлари амалга оширилди.

ва хўжалик биносининг ички қисми мукаммал таъмирланди.

Жорий йилда ҳам туманимизда янги қурилиш ишларини олиб бориш бўйича кенг қўламли бунёдкорликлар режалаштирилган. Туманда давлат дастурлари асосида барча манбалар ҳисобидан жами 27 та объектада қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгиланган. Шунингдек, Инвестиция дастури доирасида мактаб ва мактабгача таълим биноларини реконструкция қилиш юзасидан 240 ўринли бино қуриш ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари тендер савдоларига жойлаштириляпти. 4-сон мактабгача таълим ташкилотининг эски биноси ўрнига янгитдан 300 ўринли бино қуриш, “Эллиққалъа” ОФЙ ҳудудидаги “Янги Ўзбекистон” массивида ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш ишлари ҳам давом этмоқда. Иссиқлик таъминоти соҳасида ушбу массивда иссиқлик тизимларини қуриш ишлари бажарилляпти.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 18 сентябрдаги “Ислом тараққиёт банки ва “ОПЕК” халқаро тараққиёт жамғармаси иштирокида туман ҳудудидаги 9 та объектада, асосан, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларини қуриш назарда тутилган бўлиб, бугунги кунда ушбу объектларда қурилиш ишлари қизғин давом этмоқда.

Туманимизда турар жойга эҳтиёж катта. Шу боис, ҳозирги кунда туман ҳудудидаги “Янги Ўзбекистон” массивида жами 10 та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган. Ҳозирда 6 та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши жадаллик билан олиб боришмоқда, 2 тасида қурилиш ташкилоти томонидан лойиҳа ҳужжатлари тайёрланиб қурилиш ишлари бошланиш арафасида, яна 2 та кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун “E-auction.uz” тизимига жойлаштирилган. Жорий йилда мазкур кўп қаватли турар жойларни фойдаланишга топшириш орқали тумандаги 320 та уй-жойга эҳтиёжманд оилалар янги уй билан таъминланади. Бундан ташқари, жорий йилда туман ҳудудида 160 та хонадонни ўз ичига олган 4 та кўп қаватли турар жойларни янгитдан қуриш ишларини олиб бориш режалаштирилган бўлиб, ҳозирда қурилиш ишлари бошланиш арафасида.

Бухоро ва Цзясин: саноат ҳамкорлиги янги босқичда

Зулфизар МАВЛОНОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бухоро вилоятининг саноат салоҳияти тобора ортиб бормоқда. Сўнгги йилларда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноат кооперациясини ривожлантириш ва экспорт ҳажмини ошириш бўйича муҳим қадамлар ташланди. Бугунги кунда вилоятда 4200 дан ортиқ саноат ва хизмат кўрсатиш корхоналари фаолият юритмоқда, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар сони эса 200 дан ошган. Бунда 42 мингдан ортиқ ишчи-мутахассис бандлиги таъминланмоқда.

Ушбу ютуқлар замирида Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар, инвесторлар учун қулай шароитлар яратиш каби саъй-ҳаракатлар ётибди. Бу жараёнларнинг узвий давоми сифатида ўтказилган Бухоро-Цзясин саноат ярмаркаси икки давлат ишбилармон доиралари учун янги имкониятлар очди. Мазкур ярмарка Хитой тадбиркорларини жалб этиш, қўшма лойиҳаларни йўлга қўйиш ва саноат алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

ҲАМКОРЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ПЛАТФОРМАСИ

Бухорода анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ҳудудий саноат ярмаркалари минтақанинг иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутади. Бу йилги тадбир доирасида Хитойнинг Цзясин шаҳри ишбилармонлари ўз махсулотларини намойиш этиш учун Бухорога ташриф буюришди. Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг Бухоро вилояти бўлими биносидида ташкил этилган Хитойнинг Цзясин шаҳри тадбиркорлари саноат кўргазмаси икки давлат ўртасидаги яқин дўстлик ҳамда ўзаро шериклик алоқалари мустаҳкамлигига ҳисса қўшди.

Ушбу ярмарканинг очилишида вилоят ҳокими Ботир Зарипов ҳамда “Ўзбе-



кистон-Хитой савдо уйи” раҳбари Чин Ю Пин иштирок этиб, бундай тадбирлар саноатни маҳаллийлаштириш ва экспорт салоҳиятини оширишда катта аҳамият касб этилишини таъкидлашди.

– Хитой ҳамда Ўзбекистон алоқаларини изчил ривожланаётган инвесторларни қўллаб-қувватлашдаги исттиқболли ҳамкорлик деб, ҳисобласак арзийди, – деди вилоят ҳокими Ботир Зарипов. – Юртбошимиз ташаббуси билан иқтисодийёт тизимини либераллаштириш, қулай инвестиция муҳи-

тини яратиш ривожланишнинг муҳим йўналишига айланди. Бунинг амалий фодасини Бухоро вилоятида хорижий инвесторларга бизнес ҳамкорлигини амалга ошириш учун яратиб берилган кенг имкониятларда кўриш мумкин. Айниқса, мазкур саноат ярмаркасида иштирок этган тадбиркорлар, ўз имкониятларини ошириш ҳисобидан маҳаллийлаштириш ва экспорт салоҳиятини юксалтиришга ҳисса қўшаётган хитойлик ҳамда маҳаллий бизнес вакиллари, муассасалар, ишлаб чиқариш корхона-

лари учун муҳим босқич бўлиб хизмат қилади. Ўзаро алоқалар вилоятимизнинг асосий соҳалари – пахтани қайта ишлаш, енгил ва озиқ-овқат саноати, кишлоқ хўжалиги, қурилиш ва албатта, туризм соҳаларининг янада яхшиланишига сабаб бўлади.

Тадбир давомида “Гиждувон” эркин иқтисодий зонаси ҳамда асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчилар уюшмаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Хитойнинг 50 дан ортиқ компаниялари ярмаркада ўз махсулот намуналари билан қатнашди. Икки кун давом этган учрашув давомида ишбилармонлар ўзаро тажриба алмашиш, ҳамкорлик битимларини имзолаш имкониятига эга бўлдилар.

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

2024 йилда Хитой билан ташқи савдо айланмаси 401 миллион АҚШ долларини ташкил этди, бу эса олдинги йилга нисбатан 106 фоиз ўсишни англатади. Экспорт ҳажми эса, 23 миллион АҚШ доллари ва импорт қўлами 378 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Сўнгги саккиз йилдаги ўзаро савдо ҳажми икки баробарга ошган. Шу жиҳатдан, бугунги кунда Хитой Бухоро вилояти ташқи савдосида энг йирик бешликдан ўрин олгани эътиборга молик.

Ҳозирги вақтда вилоятда 450 дан ортиқ хорижий инвестиция иштирокидаги корхона фаолият юритмоқда. Шулардан 70 таси Хитой билан ҳамкорликда ишлаётган бўлса, 25 таси тўлиқ Хитой капиталига эга. Инвесторлар учун яратилган қулай муҳит натижада энергетика, қурилиш, фармацевтика, электротехника ва кишлоқ хўжалиги соҳаларида янги лойиҳалар амалга ошириляпти. Саноат маркази сифатида



вилоятда тўртта махсус иқтисодий зона яъни, саноат ишлаб чиқаришига ихтисослашган “Гиждувон” ва “Қорақўл” эркин иқтисодий зоналари, замонавий ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга оширишга мўлжалланган “Бухоро саноатни ривожлантириш комплекси”, кишлоқ хўжалиги йўналишидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаётган “Бухоро-агро” эркин иқтисодий зонаси саноатни ривожлантириш учун фаолият юритмоқда.

Шунингдек, “Хомашёдан тайёр махсулотгача” тамойили асосида енгил саноат корхоналарида тўлиқ цикли ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Шу нуктаи назардан, аяни пайтда текстил махсулотлари ишлаб чиқариш соҳасига, бундан ташқари, табиий қазилма-конресурс тармоғида табиий қоплама тош, қурилиш ва силикатли махсулотлар учун қум, гийш ва кафел хомашёси, оҳак тош, қурилиш тоши, гипс ва ангидрид, графит, цемент ва бошқа хомашёга бой

қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасига, қолаверса, ижтимоий соҳани ривожлантиришда таъминотчи тармоқлар фаолиятини ривожлантиришга сармоя киритишга эътибор қучайтирилмоқда. Бу эса вилоятда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, импорт ҳажмини қисқартириш ва экспортни оширишга хизмат қилади.

Хитой билан ҳамкорликда йирик саноат лойиҳаларини амалга ошириш режаси ҳам мавжуд. Қурилиш материаллари, фармацевтика ва кишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш соҳаларига сармоя жалб этиш устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Бухоро-Цзясин саноат ярмаркаси икки томонлама иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, янги иш ўринлари яратиш ва экспорт салоҳиятини ошириш учун муҳим платформага айланмоқда. Ушбу ҳамкорлик натижалари яқин келажақда янада самарали бўлиши кутилмоқда.



ЭКО-АГРОТУРИЗМ МАРКАЗИ

харидор ва сайёҳларни чорламоқда

Зиё СИРОЖ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Андижон вилоятининг қай бир ҳудудига борманг, бунёдкорлик жараёнига дуч келасиз. Шаҳарлар қиёфасига кўрк қўшаётган бинолар, аҳоли турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилувчи ободонлаштириш ишлари, барпо этилаётган яшил маконлар – буларнинг барчаси халқимизга яратилаётган қулай шароит ва имкониятлар маҳсулидир. Олтинқўл туманида фойдаланишга топширилган “Гулчилик маркази” эко-агротуризм манзили ана шулардан биридир.

– 2021 йил 4 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика ҳудудларида гулчилик ва кўчатчилик соҳаларини янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди, – деди марказ масъул ходими Наврўзбек Содиқов. – Унга биноан, мамлакатимизнинг бир нечта туманлари, жумладан, Андижон вилоятининг Олтинқўл, Избоскан ва Андижон туманларини гулчиликка ихтисослаштириш кўзда тутилган. Қарор ижросини



таъминлаш доирасида Олтинқўл туманида илк гулчилик маркази ташкил этилди. Бу ерда 9,3 гектардан иборат майдонда 30 нафардан зиёд соҳа вакиллари фаолият олиб бормоқда. Авваллари вилоятдаги гулчилик билан шуғуланувчи тадбиркорлар асосан ўз хонадонларида фаолият олиб борган. Эндиликда уларнинг аксарияти мана шу марказда жамландилар. Бунинг учун майдон 26 қисмга ажратилди. Тадбиркорлар томонидан 8,9 гектар ер майдони кимошди савдоси орқали сотиб олинган. Қолган қисмида кўرғазма майдони ва ташриф буюрувчилар учун шароитлар яратилди. Бу ер гул етиштириш билан шуғуланувчилар масканигина эмас, балки, ўзига хос агротуризм манзилидир ҳам. Боиси, бу ерда гул харид қилиш билан бир қаторда кўн-гилли хордиқ чиқарса ҳам бўлади. Гулларни томоша қилишнинг ўзи киши-

га қанчалик завқ бағишласа, маданий хордиқ олиш кайфиятни янада кўтарди. Ана шу максатда марказимизда автомобиллар тураргоҳи, тамаддихона ва турли тадбирлар учун майдон ишга туширилди. Ушбу марказнинг ишга туширилиши орқали ноёб ўсимликларни ҳудуд иқлимига мослаш имконияти яратилди. Эндиликда турли давлатлардан олиб келинган, йилнинг тўрт фаслида ҳам яшнаб турувчи гул ва буталарни маҳаллийлаштириш ишларига киришилган. Бунинг учун марказнинг 2,5 гектар майдонида иссиқхоналар ташкил этилган бўлиб, уларда 10 та тадбиркорлик субъектлари фаолият олиб бормоқда. Бу каби саёй-ҳаракатларни амалга ошириш йўлида 100 та доимий иш ўрни яратилган бўлиб, мавсумда бу рақам 250 тага етиши кўзда тутилган. – Гулчилик фаолияти билан шуғул-

лана бошлаганимга беш йил бўлган бўлса, шу давр мобайнида маҳсулотимизни республикамиз бўйлаб етказиб беришни йўлга қўйдик, – деди тадбиркор Омадбек Шокиров. – Бунинг учун 70 сотих ер майдонида ўндан зиёд турдаги гулларни парваришлаб келяпмиз. Харидорларнинг ноёб ўсимликларга бўлган кизиқишлари юқорилигини ҳисобга олиб, Европа давлатларидан келтирилган кўчатларни ҳам сотишни йўлга қўйганмиз. Ушбу марказдан икки гектар ер ажратилиши имкониятларимизни янада кенгайтди. Биринчи навбатда, хориждан келтирилаётган кўчатларни шу жойнинг ўзида маҳаллийлаштиришни йўлга қўйдик. Ҳозирга қадар Италия, Хитой, Туркия каби давлатлардан ноёб гул ва бута қаламчаларини олиб келиб, кўпайтиришга эришдик. Бунинг учун 30 та янги иш ўрни яратилди. Авваллари 70 сотих

майдондан йилига 400-450 миллион сўм даромад олган бўлсак, эндиликда бу кўрсаткични 4-5 баробарга оширишни режалаштирганмиз. Марказ ташкил этилгунига қадар гулчилар маҳсулотни мамлакатимиз бўйлаб етказиб беришни йўлга қўйиш-ганди. Энди эса бунга ҳожат йўқ. Боиси, харидорлар марказга ташриф буюриб, ўзлари танлаган гулларни сотиб олиш имкониятига ҳам эгалар. Эко-агротуризм ривожига салмоқли ҳисса қўиши кўзда тутилган ушбу масканда электр симларини кўрмайсиз. Боиси, таъминот юз фоиз қуёш панеллари орқали йўлга қўйилган. 60 кВт қувватга эга панеллар орқали бир кунда давлатга 400-500 минг сўмлик электр энергияси сотилмоқда. Бу бир ойда ўртача 15 миллион сўм қўшимча даромад дегани. Бу ҳам бўлса яшил иқтисодиёт афзалликлари ифодасидир.



ЎЎТМОЎЙ-ЎЎТМОЎЙ ГАЗЕТА
O'ZBEKISTON
BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шерзод Хидоятлов,
(Тахрир хайъати раиси),
Давронжон Адиллов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Сирожидин Ўшқувватов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магруппов,
Бобир Элмуродов,
Илҳом Аҳмедов.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир	Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари	Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи	Акмал Махкамов
Мусакхх	Марҳамат Мусулмонкулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори”
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ” НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги,
“Ўзсанотқурилишматериаллари”
уюшмаси, “ЎзТАШҚИЛИТИ” ДУК,
“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК,
“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ,
“ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навий қўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (кабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон
Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г- 441.
2047 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятта
келган қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
кайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифати чоп этилишига
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” қўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
Р. Хўжаева.
Навбатчи –
А. Ҳақбердиев.

Ўза якуни – 22.25.
Топширилди – 23.00.

123456

“DUNYO-M” АЖ

АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Жамият номи: “DUNYO-M” aksiyadorlik jamiyati.

Манзилимиз: Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри, “Шайхали” МФЙ, Олтин бошоқ кўчаси, 1-уй.

Электрон почта манзили: dunyo_m@mail.ru “DUNYO-M” aksiyadorlik jamiyati акциядорларининг 2024 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича навбатдаги умумий йиғилиши 2025 йил 30 апрель куни соат 11.00 дан бошлаб жамият мажлислар зали (Олтин бошоқ кўчаси, 1-уй)да ўтказилади.

Жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши тўғрисида акциядорларга хабар бериш учун жамият акциядорлари реестри 2025 йил 7 апрель ҳолатига ҳамда навбатдаги умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2025 йил 24 апрель ҳолатига шакллантирилади.

КУН ТАРТИБИГА КИРИТИЛГАН МАСАЛАЛАР:

- Жамият қузатув кенгашининг 2024 йил иш фаолияти якуни бўйича ҳисоботини эшитиш ва тасдиқлаш.
- Жамиятнинг 2024 йил молия-хўжалик фаолияти якуни, шунингдек бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши юзасидан бошқарув органининг ҳисоботини эшитиш ва тасдиқлаш.
- Жамиятнинг 2024 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича Ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директорининг ҳисоботини эшитиш ва тасдиқлаш.
- Жамият тафтиш комиссиясининг 2024 йил иш фаолияти якуни бўйича ҳисоботини эшитиш ва тасдиқлаш.
- Жамиятнинг 2024 йил молия-хўжалик

фаолияти якуни бўйича ташқи аудитор хулосасини тасдиқлаш.

6. Жамиятнинг 2024 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар ҳисоботини тасдиқлаш ва олинган соф фойдасини тақсимлаш.

7. Жамият Қузатув кенгаши аъзолари таркибини сайлаш.

8. Жамият тафтиш комиссияси аъзолари таркибини сайлаш.

9. Жамият санок комиссияси аъзолари таркибини сайлаш.

10. Жамият қузатув кенгаши билан бошқарув раиси ва бошқарув органи аъзолари ўртасида меҳнат шартномасини бир йил муддатга тузиш.

11. Жамиятнинг 2025 йил учун тузилган бизнес-режасини тасдиқлаш.

12. Жамиятнинг 2025 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудит ўтказадиган аудиторлик ташкилоти ва унга тўланадиган хизмат ҳақи учун пул маблағи миқдорини тасдиқлаш.

Акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш учун маълумот (материал)лар билан жамият ҳисобчилар бўлимида танишиш мумкин.

Тел.: 97-293-77-76.

ЭСЛАТМА:

1. Йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар навбатдаги умумий йиғилишга киришда шахсини тасдиқловчи ҳужжат, яъни паспортини кўрсатиши шарт.

2. Йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг ишончли вакиллари акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишига фақат нотариал идоралари томонидан тасдиқланган ишончнома орқали киритилиди.

Жамият бошқаруви.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ

муборак бўлсин!

**2025 йил апрель ойининг 8-10 саналарида
таваллуд айёмларини нишонлайдиган**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Пудрат бозори ҳамда тендер, рейтинг ва буюртмачи тизимини ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси **Дилмурод Элибоев**, Иқтисодий ислохотлар ва стратегик режалаштириш бўлими бош мутахассиси **Ҳасан Джумаков**, Исиклик таъминоти тизимини ривожлантириш ва эксплуатация фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Саидмурод Тулашов**, енгил автомобиль ҳайдовчиси **Умиджон Расулов**, Ижро назорати бўлими бош мутахассиси **Абдулҳай Аскарлов**,

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти Стандартлаштириш бошқармаси етакчи мутахассиси **Муниса Ёқубжоновна**,

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” ДМ Лойиҳа бош муҳандиси **Алабек Файзиев**, “Хоразм” филиали етакчи муҳандиси **Сарвар Садуллаев**,

“Ташгипрогор” АЖ гуруҳ бошлиғи **Нусрат Музаффаров**,

“Ўзоғирсаноатлоиҳа” АЖ БГИ техникни **Дилшод Абдурахманов**, СМО етакчи мутахассиси **Данияр Темирханов**,

“O'zshaharsozlik LITI” ДМ Йўл ва ҳудудларнинг муҳандислик лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўлими лойиҳа бош архитектори **Гўзал Туляганова**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари **Лепесбай Зарликов**,

Бухоро вилояти Когон шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Юсуф Джумаев**, Бухоро шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Мавлюд Тураманов**,

Қашқадарё вилояти Косон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Тимур Примов**,

Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бош мутахассиси **Темур Рабимкулов**,

Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Қамолддин Мўминов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР,
ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК,
МУСТАҲҚАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**